

Алишер Навоий “Хамса”сидаги иккинчи достон “Фарход ва Ширин” деб аталиб, 1484 йилда ёзиб тугалланган. Навоийгача бу мавзу “Хусрав ва Ширин” шаклида машхур эди. Афсонанинг бош қахрамони Хусрав Парвез аслида тарихий шахс бўлиб, милодий 590 йилда тахтга чикиб, 628 йилда ўз ўгли Шеруянинг буйруги билан ўлдирилган Эрон шохидир. Унинг оромий ёки арман кизи Ширинга бўлган мухаббати кўпгина тарихий асарларда қайд этилган. Хусусан, Алишер Навоийнинг ўзи ҳам “Тарихи мулуки Ажам” асарининг сосонийлар тарихига бағишланган қисмида Хусрав Парвез ҳақида маълумот беради. Бадиий адабиётда Хусрав ва Ширин мухаббати ҳақида биринчи бўлиб Фирдавсий ўзининг “Шохнома” достонида ёзиб қолдиради, Низомий эса уни алоҳида ишқий-саргузашт достон ҳолига қелтиради. Низомийнинг “Хусрав ва Ширин” достони 1340 йилда Кутб Хоразмий томонидан туркий тилга таржима қилинган.

Алишер Навоий бу мавзудаги достони учун аввалги достонларда иккинчи даражали тимсол тарзида талқин қилинган Фарходни бош қахрамон қилиб олади. Аслида Фарходнинг бош қахрамон қилиб олинishi адабиётда илк бор XIV асрда Озарбайжонда яшаб фаолият юритган Ориф Ардабилининг “Фарходнома” (1369) номли форс-тожик тилида ёзилган достони билан бошланади. Лекин унда тасвирланган воқеалар Навоий достонидан бутунлай фарқ қилади. Навоий “Фарход ва Ширин” достонида бу мавзуда қалам тебратган ижодкорлар сифатида Низомий, Дехлавий, Ашраф Марогийларни эслаб ўтар экан, яна бир номаълум ижодкорга ҳам ишора қилиб ўтади:

*Яна бўлгон экан бу нома маркум,*

*Вале роқим эмастур яхши маълум.*

Адабиётшуносликда ушбу номаълум ижодкор айнан Ориф Ардабийий бўлиши мумкин деган фикр мавжуд.

Навоийнинг “Фарход ва Ширин” достони 54 боб, 5782 байтдан иборат. Шундан мукаддима 11 бобни ўз ичига олади. Достон анъанавий хамд – Аллохнинг мактови билан бошланади. Достонда иккита хамд мавжуд. Биринчи хамдда Алишер Навоий яратувчининг кудратини таърифлаб, унинг иродаси билан каламга олмокчи бўлган гоъвий нияти хакида сўз юритар экан, биринчи мисрани арабча калима билан бошлайди:

*Бихамдик фатх абвоб ул маоний,*

*Насиб эт кўнглума фатх ўлмак они.*

Яъни: Маънолар эшиklarининг очилиши сенинг мактовинг билан ва кўнглумга уларни забт этишни насиб кил.

Кейинги байтларда Навоий маънолар хазинаси кулфига кўлининг калит бўлишини, шу восита билан барча умидларига етишишни тилайди, ана шу маънолар хазинасидан олам ахлини бахраманд килишни умид килади.

Иккинчи хамдда шоир ёзишга киришаётгани “Фарход ва Ширин” достонининг умумий талкини, ундаги кахрамонларнинг мухтасар тавсифини беради, “дард боги” деб таърифланган ишк билан алокадор барча хаяжон ва изтироблар хакида ёзади. Шоир Холик мактовига киришар экан, энг аввало, у инсон кўнглини ишк гулшани, бу гулшанда

эса ишкни хазинага айлантирганлигини мадх этади:

*Ки инсон кўнглин этти гулшани ишк,*

*Бу гулшаннинг харимин махзани ишк.*

А.Рустамовнинг “Навоийнинг бадиий махорати” китобида ёзилишича, Навоий қазони Фарходга, осмонни Фарходга алоқадор Бесутун тоғига, ақлни Чин хоконининг вазири Мулкорога ва донишманд Сукротга, тунни Хусрав Парвезнинг оти Шабдезга, қадарни Фарходнинг дўсти Шопурга, ажални отасини ўлдирган Парвезнинг ўгли Шеруяга, замонни Парвезнинг созандаси Нигисога ўхшатган ҳолда “ширин”, “тилисм” сўзларини, Бесутун, Хусрав ва унинг ашулачиси Борбад номларини тилга олиб, муқаддимани достоннинг мундарижасига уйғунлаштирган. Шу билан бирга бу ўхшатишлар замирида шоир достон мундарижасида қахрамон ва тимсоллар фаолияти қайси қўламда кечиши, улар достонда қандай роль ўйнаши билан ҳам китобхонни таништиради.

Муножот (3-боб)да Алишер Навоий инсоннинг йўқликдаги ҳолати, дунёга келиши, гўдақлиги, ҳаёти тўғрисида баён қилади. “Лавҳи маҳфуз” (кишиларнинг яхши ва ёмон амаллари, тақдири азалдан битиб қўйилган тахта) ҳақида фикр юритар экан, инсон азалий қисмат ижрочиси экан, бунга уни гуноҳкор қилишни қандай изохлаш мумкин деган фикрларни айтади:

*Ва гар ул лавҳ уза бўлса муҳаррар,*

*Азал таксимидин бўлди мукаррар.*

*Не дерсен бас бу жамъи бенавога,*

*Гунохе килмайин колгон балога?*

Кейинги байтлардаёк Навоий бу фикрларни беҳуда даъво деб ҳисоблаб, ружуъ санъати воситасида бу даъвони инкор қилади ва Аллоҳдан унга марҳамат қилишини сўрайди:

*Жунундин сўзга бир дам бўлмай огох,*

*Гар ортук сўз дедим, астагфируллох.*

*Илохий, бокмагил мажнунлугумга,*

*Карамдин чора кил махзунлугумга.*

Достоннинг тўртинчи боби Мухаммад пайгамбар (с.а.в) мадхига багишланган. Боб пайгамбарнинг муборак чехраси тавсифи билан бошланиб, унинг ўқиш ва ёзиш билан шугулланмаганлиги ажойиб бадиий санъатлар воситасида баён қилиб берилади. Хусусан, калам пайгамбар унга майл кўрсатмаганидан, яъни уни кўлида тутмаганлигидан кейин ёқасини чок қилиб, кўз ёшларини тўкиб, афгон қилганлиги, унинг кўлини ўпайин деб қанча оғзини очмасин, унинг орзуси амалга ошмаганлиги хусни таълил санъати асосида келтирилганлигини кўрамиз:

*Неча чоки гирибон қилди хома,*

*Тўкуб ашқини афгон қилди хома.*

*Очиб оғзин қилай деб дастбўси,*

*Муяссар бўлмайн бу орзуси.*

Бобда “инсонлар пайгамбар белгилаб берган шариат қоидалари асосида яшасаларгина, ҳақиқий саодатга эришадилар” деган гоё илғари сурилади.

5-боб меърож туни таърифига багишланган бўлиб, пайгамбарнинг Бурок оти ёрдамида Аллох ҳузурига йўл олиши тасвири берилади. Бунда пайгамбарнинг 12 бурж ва 7 сайёраларни ошиб ўтиб, Ломақонга кўтарилганлиги, “қоба қавсайн” (икки ёй оралиги) даражасида Аллохга яқинлашгани ва фоний бўлганлиги ҳақидаги фикрлар баён қилинади.

*Анга бу сурма бўлгоч курратул айн,*

*Насиб ўлди макоми “коба кавсайн”.*

*Ўзин гум айлабон, лекин топиб хак,*

*Кўринмай кимса хакдин айру мутлак.*

Достоннинг 6-боби калам таърифи ҳамда улуг салафлар Низомий ва Дехлавийлар мадҳини ўз ичига олади. Навоий дастлаб каламга таъриф берар экан, уни Хусрав Парвезнинг тез учар қора оти Шабдезга, каламни тутувчи бармоқларни шу от устидаги чавандозга, бармоқ бўгинларини чавандознинг белбоғига, тирноқларни эса унинг юзига ўхшатади:

*Каламким, рахнаварди тезтақдур,*

*Азалдин манзили фавкул фалақдур.*

*Магар вахм адхамидур тез рафтор,*

*Не адхам, жардаи Шабдез рафтор.*

*Чикиб устига бармок шахсувори,*

*Бўгун белбогию тирнок узори.*

Хазрат Навоий Низомийни хазинадорга, унинг маъноларга тўла асарларини хазиналарга ўхшатиб таърифлайди. Хусрав Дехлавийни у яшаган Хиндистон билан боглик холда хинду, тўти, булбул, какнус, мушк хидли булутга ўхшатади. “Хамса” ёзиш анъанасини кураш майдонига ўхшатиб, ўзининг бугунги кунда ниҳоятда машхур байтларини ёзади:

*Эмас осон бу майдон ичра турмок,*

*Низомий панжасига панжа урмок.*

*Тутайким килди ўз чангини ранжа,*

*Неким урди анинг чангига панжа.*

*Керак шер оллида хам шери жанги*

*Агар шер ўлмаса, бори паланги.*

Айнан шу бобдан бошлаб 2-3 байтли сокийномалар бериб борилади. Кўпинча бу сокийномаларда шоир кейинги бобда каламга олинадиган воқеа ёки масалаларга ишора қилинади:

*Кел эй сокийки, тушмиш жонима жўш,*

*Кетур бу икки ёди бирла бир кўш.*

*Алар ишкида нўш айлаб ики жом,*

*Тутай Жомий майи мадхин саранжом.*

7-боб “хазрати шайху-л-исломий мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий” мадхидадир. Алишер Навоий Низомий ва Дехлавийни иккита филга ўхшатгани холда, Жомийни юз



филга ўхшатади. Сўз ўйини воситасида уни XI-XII асрларда яшаган машхур сўфий Зиндапили Жомийга киёслайди, “фано тимсоли”, “жахони бегарон” (чексиз жaxon), “олами кубро” (улуғ олам) деб атайди. Боб Жомий кўлидан бир жом ичиш умиди билан яқунланади:

*Кетургил, сокий ул жоми киромий*

*Ки, тутсун риндлар сархайли Жомий.*

*Чу пири дайр май килди хавола,*

*Ичармен гар эрур гардун пиёла.*

Навбатдаги боб достоннинг ёзилиш сабаби хақида. Бу бобда шоир достонни яратиш орзуси пайдо бўлгач, бепоён дурру гавхарлар денгизига чўмганлигини, яъни кўп мутолаа килганлигини, тинмай ўйлаганлигини айтади. Достонни ёзишга ундаган сабаблардан бири ўзининг мухаббати, бу ишқнинг алам ва изтироблари эканлигини айтиб, у туфайли ўзига етишган азобу укубатларни баён қилади. Шунда унга гойибдан нидо келиб, хотиф (гойибдан ок фотиха берувчи) уни янги бир асарни ёзишга илхомлантирганлигини, кейин Жомийнинг олдига борганида у ҳам шоирни дуо қилиб, бу ишда унга ок йўл тиланганини ёзади.

9-боб асар режасини тузиб олгани, турли афсоналар, тарихий манбаларни кўриб чиккани, шу мавзуда ёзилган достонларда йўл кўйилган хатоларни тузатиб, ўз гоёларини қай тарзда ифода этмокни ният қилгани баёнидадир. Бунда Навоий ёзилажак асари янги бўлиши лозимлигини, аввал шу мавзуда яратилган достонларни такрорламаслик

кераклигини таъкидлайди:

*Ани назм этки, тархинг тоза бўлгай,*

*Улуска майли беандоза бўлгай.*

*Йўк эрса назм килгонни халойик,*

*Мукаррар айламак сендин не лойик.*

*Хуш эрмас эл сўнгинча рахш сурмак,*

*Йўликим, эл югурмиштур югурмак.*

Достоннинг 10-боби Султон Хусайн Бойкаро таърифига багишланган. Навоий уни султонлар ичида Шох Гозий, газот майдонида Али ибн Абу Толиб, шариат ривожда пайгамбар сингаридир деб улуглайди ва уни адолатли, саховатли хукмдор сифатида мадх килади.

11-боб шахзода Бадиуззамон Баходир мадхига багишланган. Навоий уни “Бадиу-д-дахру Дорои замон” деб атаб, унинг исмини китобот (харф) санъати асосида шархлаб ўтади. Шахзоданинг исми 10 харфдан иборат бўлиб, Навоий унинг хар бир харфига алохида

маъно юклайди:

“□” – “бе” эхсонда бирлик, ягоналикнинг далилидир, “□” – “дол” давлатдан нишона бўлиб, дину диёнат ундан икбол топади. “

□

” – “йо” харфи йумн (бахт, омад)дан дарак бериб, унинг қадами билан замона тинчийди. Тўртинчи харф “

□

” – “айн” бўлиб, адолатдан олингандир. “

□

” – “алиф” харфи ўз шакли билан унинг тўғрилиги, ростгўйлигини билдиради. “

□

” – “лом” харфи лутфдан вокиф этиб, латофат гулшанидан бахраманд этади. “

□

” – “зе” харфи абжад ҳисобига кўра 7 ракамини англатади, бу Аллоҳ унга 7 иқлимни насиб айлашига ишорадир. “

□

” – “мим” харфи миллат кироми, мусулмонлик низоми ундан эканлигини англатади. “

□

” – “алиф” харфи

Аллоҳ унинг ёри эканлигига далолат бўлса, сўнги харф “

□

” – “нун” наср (мадад) Аллоҳдандир деган маънони билдиради.

Навоий юкорида достонни яратишдан мақсад “ишк, яъни илохий ишк дардини куйлаш” эканлигини айтиб ўтган эди:

*Бу рангин саҳфа билким, дард боги,*

*Аён хар лоласида ишк доги.*

Бундан маълум бўладики, достондан бош мақсад илохий ишк дардига мубтало бўлган солиқ (тарикат йўлига кирган ошиқ)нинг саргузаштларини тасвирлашдан иборатдир.

Достоннинг асосий қисми 12-бобдан бошланади. Воқеалар Чин хоконининг фарзандсизлиги ва унинг изтироблари тасвири билан ибтидо топади. Нихоят унинг илтижолари қабул бўлиб, Тангри унга бир ўғил инъом этади. Навоий гўдакнинг тугилишидан тортиб улгайишигача бўлган ҳар бир жараёни алоҳида тасвирлайди, ҳатто гўдакка қўйилган исмига ҳам алоҳида маъно юклайди:

*Анга фарзона Фарход исми қўйди,*

*Хуруфи маъҳазин беш қисми қўйди.*

*Фироқу рашку хажру охи ила дард,*

*Бирор ҳарф ибтидодин айлабон фард.*

Фарход болалигидан фавқулудда ҳислатлари билан атрофдагиларни хайратга солади. Ўн яшарлигида:

*Жахонда колмади ул етмаган илм,*

*Билиб тахкикини касб этмаган илм*

даражасига эришади. Асарда Фарход ҳам чексиз жисмоний кудрат, беназир истеъдод эгаси, ҳам юксак фазилатлар сохиби сифатида тасвирланади.

Фарход ёши улгайгани сари хазин ва хастадил бўлиб бўлиб боради. Хокон Фарходнинг кўнглини очиш, хазин кайфиятини кўтариш учун йилнинг тўрт фаслига мослаб тўрт каср курдиради. Шу аснода Фарход Корандан тош йўниш, Бонийдан меъморлик, Монийдан наққошлик сирларини ўрганади. Лекин у эгаллаган билимлар, ўрганган хунарлар зохирий (дунёвий) билимлар бўлиб, илохий сиру асрорни очишга кифоя килмайди. Энди у пири комил таълимини олиши керак эди.

Фарходдаги хазинликнинг таркамаганини кўрган хокон унга тахтни таклиф килади ва шу билан гўёки ўглининг дардига даво топмокчи бўлади. Аслида эса Фарходдаги бу холат заминий, дунёвий бўлмай, илохий ишкнинг нишонаси эди. Шу ўринда Навоий илохий ишк дардида ёнган инсон билан бундай саодатдан махрум фоний дунё кишилари орасидаги фаркни кўрсатиб беради. Фарход отасининг тахтни эгаллаш хақидаги таклифини салтанат ишларини ўрганиш, тажриба орттиришга ижозат сўраш билан ортга суради ва хокон хазинасидаги беҳисоб бойликлар билан таниша бошлайди. Натижада яширин парда ортидаги хонада сакланаётган сирли сандик ва ундаги тилсимли кўзгуни кўриб қолади. Фарход ушбу кўзгунинг сеҳрини очолмай, Юнонистон сафарига, Сукрот хузурига отланади.

Сукротнинг хузурига бориш йўлини унга Сухайло исмли ҳаким (донишманд) ўргатади. Н.Комиловнинг “Тасаввуф” номли китобида ёзилишича, Сухайло Фарходнинг тарикат йўлидаги биринчи пири. У Фарход енгиб ўтиши керак бўлган тўсиклар: аждархо ва девдан хабар беради. Тасаввуфда аждархо – нафс тимсоли, дев – салтанат тимсоли хисобланади. Сухайло Фарходга аждархони енгиш учун самандарнинг ёгини беради.

Самандар – олов ичида яшайдиган жонивор. У – ишк рамзи. Фарход баданига самандар ёгини сурганда, аждархонинг ўти унга кор килмайди, яъни ишк оташи нафс ўтини сўндиради. Шунингдек, Фарходга кейинги манзилларда учрайдиган шер ва темир пайкарнинг ҳам рамзий маъноси бор. Шер – газаб тимсоли, илохий ишк йўлига кираётган солиқда эса газаб бўлмаслиги керак. Темир пайкар – рўё, ёлгон дунё рамзи. Солик дунё мўъжизаларига чалгимаслиги, уларга кўнгил кўймаслиги керак. Фарход темир пайкарни ҳам енгиб, ниҳоят Сукрот даргохига кириб боради.

Аслида Сукрот тимсолининг асар таркибига киритилиши тасодифий бўлмай, бош мақсадни очиб бериш йўлидаги муҳим воситадир. Н.Комиловнинг ёзишича, Сукрот пири комил тимсоли бўлиб, усиз Фарходнинг ўз мақсадига эришиши мумкин эмас эди. Навоий Сукротни куёш каби порлок сиймо, жисми пок рух каби, шахси ақлнинг хайкали деб таърифлайди. У камолот чўккисини эгаллаган комил инсон, ўзи бир жойда ўтирса ҳам, руҳи бутун дунёни кезиб чиқади. Жамшид жоми, Искандар кўзгуси ҳам унинг кўнгил кўзгуси олдида хира. У Фарход билан яккама-якка суҳбатлашиб, уни ўз фарзандидай эъзозлайди. Чунки бу йигит сиймосида у ўз сулук (йўл)ининг давомини кўрган эди. У Фарходга шундай дейди:

*Муни билким, жахон фонийдур асру,*

*Хакикат ахли зиндонийдур асру.*

*Агар топса Сикандар мулки зотинг,*

*Гар ўлса Нух умрича хаётинг.*

Бу байтда Навоий Сукрот тилидан тасаввуфнинг муҳим гоясини баён этади. Яъни бу дунё ўткинчи, фонийдур, шу сабабли унга кўнгил боғлаш тўғри эмас.

*Чу махбуби хакикий улдурур ул,*

*Анинг васли сори катъ айламак йўл...*

*Бу йўл ичраки беҳад дарду гамдур,*

*Узок тортар, вале икки кадамдур.*

*Ким ул икки кадамнинг катъи минг йил,*

*Киши урса кадам мумкин эмас бил.*

*Бири ўзлукни килмок бўлди фоний,*

*Яна бир доғи топмок бўлди они*

Хакка етишиш йўли икки кадам масофадек гап, лекин бу икки кадамни босиб ўтиш учун минг йиллик машаккат сарфланиши керак. Бу икки кадамнинг бири ўзликдан воз кечиш, иккинчиси ўзликни топиш, яъни ўзликдан воз кечмай туриб, чин илохий ўзликни топиш мумкин эмас.

Инсон ўзликдан кутулмай, Илоҳга етолмас экан, демак, уни тезлаштирувчи чора – восита керак. Достонда мажозий ишк тонг ёругига, хакикий ишк куёшга ўхшатилади:

*Бу ўзлукдин кутулмок чорасози,*

*Нима йўк, ўйлаким ишки мажозий...*

*Мажозий ишк бўлди субҳи анвар,*

*Хакикий ишк анга хуршиди ховар.*

Фарход шу тарика Сукрот хузурига борар йўлда тарикат макомларини босиб ўтади, пири комил суҳбатидан бахраманд бўлиб, илохий ишкнинг моҳиятини англай бошлайди. Чин мамлакатига қайтиб бориб, кўзгуда энди нафакат Ширинни, балки ўзини ва ўзи келгусида бошдан кечирishi керак бўлган воқеаларни кўра бошлайди. Чунки кўзгу бу ўринда комил инсон Сукротнинг калбидир.

Достонда илохий ишкдан бебахра фоний дунё кишиларидан бири Хусравдир. Муаллиф бу икки қахрамоннинг мунозарасини тасвирлар экан, икки хил ишк – авом ишки ва илохий ишк ўртасидаги тафовутни кўрсатиб беради. Жами 25 байтдан иборат бу мунозарада деярли ҳар бир байтда муайян бадий санъатнинг етакчилик қилишини кузатиш мумкин. Хусусан,



*Дедиким: ишк ўтидин де фасона!*

*Деди: куймай киши топмас нишона.*

байтида “ўт” ва “куймок” сўзлари асосида таносуб санъати ясалганлигини кўрсак, кейинги байтда “а” унлисининг такрорланиши асосида вужудга келган ассонанс бадиий воситасини қўлланилганлигини кўрамиз.

*Дедиким: куймагингни айла маълум,*

*Деди: андин эрур жох ахли махрум...*

Хусрав савол-жавобда ҳам, жисмоний харакатларда ҳам Фарходни енга олмайди, чунки дунёвий куч илохий кудратни енгиши мумкин эмас эди. Шунда у маккорлик йўлига ўтади: ёсуман кампир воситасида Фарходнинг ўлимига эришади.

Навоий тилидан Фарходнинг ўлими муносабати билан айтилган

*Вужудин ўртаб ул сўзу гудози*

*Хакикатка бадал бўлди мажози*

деган икромини Аллох жамолига етишган ишк ахли хакидаги маънавий хулоса дейиш мумкин. Куйидаги мисраларда шоир фикрини янада кучайтирганлигини, Фарход тимсолида илгари сурилган карашларини ойдинлаштирганганини кўриш мумкин:

*Бако шахрида султонликка етти,*

*Хакикат мулкида хонликка етти.*

Достон хотимаси икки боб (53-54) дан иборат бўлиб, 53-боб Султон Хусайн Бойкаронинг ўгли шахзода Абулфаворис Шохгариб Мирзо мадхи ва унга багишланган бир неча насихатни ўз ичига олади. Навоий Шохгариб Мирзога камолотга эришиш йўллари хакида гапирар экан, шахзодага Искандар Зулкарнайн, Мирзо Улугбек каби хукмдорларни ибрат килиб кўрсатади. Энг мухим илмлар сифатида фикх, хадис ва тафсирни эгаллаш зарурлигини уктиради, шунингдек тиббиёт ва хикмат илмини ҳам ўрганишни тавсия этади:

*Шах улдурким шиори илми диндур,*

*Нединким илми дин илм ул-якиндур...*

*Бу дин илмики хомам килди тахрир,*

*Эрур фикху хадису сўнгра тафсир...*

*Валекин тиббу хикмат хам эрур хўб*

*Ки, сиххатдур киши жисмида матлуб.*

Якуний бобда Навоий Фарход тимсолини ўз замонасидаги барча шахзодаларга ибрат хамда ўрнат килиб кўрсатади.

Фарход ва Ширин" ишкий саргузашт достонлар учун мўлжалланган *хазажи мусаддаси*  
*махзуф* вазни

(руқнлари ва тактиъи: мафойилун мафойилун фаувлун

V— — —

V— — —

V— —

) да ёзилган.

**Адабиётлар:**

1. Навоий Алишер. Фарход ва Ширин. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 1991, 8-жилд.
2. Navoiy Alisher. Farhod va Shirin. – Т.: G'.G'ulom nomidagi NMIU, 2006.
3. Навоий Алишер. Фарход ва Ширин (насрий баёни билан). Тахрир хайъати: А.Каюмов ва бошк. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1989.- 246 б.
4. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Movarounnahr – O'zbekiston NMIU, 2009.
5. Эркинов С. Навоий “Фарход ва Ширин”и ва унинг киёсий тахлили. – Т.: Фан, 1971.
6. Эркинов С. Шарк адабиётида Фарход кассаси. – Тошкент: Фан, 1985.
7. Каюмов А. “Фарход ва Ширин” сирлари. Т.: 1979.
8. Рустамов А. Навоийнинг бадий махорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979.
9. Юсупова Д. Алишер Навоий “Хамса”сида мазмун ва ритмнинг бадий уйғунлиги. – Тошкент: МУМТОЗ СЎЗ, 2011.

Дилнавоз Юсупова

